



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси
бошлиғи”**

[Signature] **З.Мамаджанова**

“07” Ноябр 2022й

БУЮРТМАЧИ:

«Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси»

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси
37-оилавий поликлиника биносини мукаммал
таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Уйчи туман-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси 37-оилавий поликлиника биносини мукамал таъмирлаш учун хизмат кўрсатувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 959 373 873 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160801, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи туман, А.Темур кўчаси, 34-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



«Тасдиқлайман»

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

З.Мамаджанова

2022 йил

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси «Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси» НОҚДБ

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Объект номи	Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси 37-оилавий поликлиника биносини мукамал таъмирлаш
2	Буюртмачи	Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси
3	Объект жойлашган манзил	Уйчи туман А.Темур кўчаси № 34 уй
4	Катнашувчилар учун талаблар	<ol style="list-style-type: none">1. Шартномани бажариш учун зарур техника (техпаспортларни ва шартномаларни) илова қилинг.2. Молиявий натижалари тўғрисида маълумот форма 1 форма 2 ҳисоботларни илова қилинг.3. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар (ҳодимларни меҳнат уз маълумоти илова қилинган ҳолда) жойланг.4. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотни илова қилинг.5. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таомилларини мавжуд эмаслиги (давлат активлари бошқармасидан маълумот олинг) тўғрисида.6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги (биржа маълумотини олинг ва илова қилинг) тўғрисида.7. Тендирдаги объектга ўхшаш объектлар тўғрисидаги иш тажрибаси (шартномалар илова қилинг) тўғрисида.8. Кафолат хати. Ишни бажарилишидаги маҳаллий ресурсларни баҳолаш таклиф ҳужжатларини тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши.9. Айланма маблағлар тўғрисида банк маълумоти.10. Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб
5	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	<ol style="list-style-type: none">1. Шартномани бажариш учун зарур техника (техпаспортларни ва шартномаларни) илова қилинг.2. Молиявий натижалари тўғрисида маълумот форма 1 форма 2 ҳисоботларни илова қилинг.3. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар (ҳодимларни меҳнат уз

		<p>маълумоти илова қилинган ҳолда) жойланг.</p> <p>4. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотни илова қилинг.</p> <p>5. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таомилларини мавжуд эмаслиги (давлат активлари бошқармасидан маълумот олинг) тўғрисида.</p> <p>6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги (биржа маълумотини олинг ва илова қилинг) тўғрисида.</p> <p>7. Тендирдаги объектга ўхшаш объектлар тўғрисидаги иш тажрибаси (шартномалар илова қилинг) тўғрисида.</p> <p>8. Кафолат хати. Ишни бажарилишидаги маҳаллий ресурсларни баҳолаш таклиф ҳужжатларини тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши.</p> <p>9. Айланма маблағлар тўғрисида банк маълумоти.</p> <p>10. Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб</p>
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Объектда бажарилган таъмирлаш ишлари учун тузилган Ф-3 ҳамда Ф-5 ҳисоб-фактура ҳужжатлари бўйича тўлаб берилади.
7	Иш тури	Буюртма асосида бўлим томонидан тайёрлатилган лойиҳа сметасида белгиланган ишларни бажариш
8	Ишни бажариш муддати	Белгиланган муддатда (ўз вақтида)
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этиш.
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет
11	Ҳисоб-китов килиш (валюта)	Сўм
12	Расмийлаштириш тили	Ўзбек тили

Инженер:

✓ 

С.Нозматов